

## ДЕЙКСИСНИНГ ИМПЛИЦИТ ИФОДА УСУЛИ

**Давлатова Раъно Ҳайдаровна**

филология фанлари доктори (DSc.)

Навоий давлат педагогика институти,

[isfan2006@mail.ru](mailto:isfan2006@mail.ru)

**Аннотация.** Мазкур мақолада дейксиснинг имплицит, яъни яширин ифода усули ва унинг ифода воситалари тўғрисида сўз юритилади. Имплицит дейксисни шакллантирувчи тил бирликлари: макон ва замонга ишора қилувчи кўрсатиш олмошлари, улар иштирокида тузилган бирикмалар, равишлар, феълнинг буйруқ-истак майли шакллари, субъектив муносабат ифодаловчи айрим бирликлар таҳлилга тортилган.

**Калит сўзлар.** Дейксис, эксплицит ва имплицит ифода усули, ифода воситалари, макон ва замонга ишора қилувчи кўрсатиш олмошлари, улар иштирокида тузилган бирикмалар, равишлар, феълнинг буйруқ-истак майли шакллари, субъектив муносабат ифодаловчи айрим бирликлар.

## IMPLICIT WAY OF EXPRESSING DEIXIS

**Davlatova Rano Haydarovna**

Doctor of philological sciences (DSc.)

Navoi State Pedagogical Institute

**Annotation.** This article talks about the implicit, that is, hidden way of expressing deixis and the means of its expression. The linguistic units that form implicit deixis are analyzed: demonstrative pronouns related to space and time, compounds formed with their participation, adverbs, imperative forms of the verb, some units expressing a subjective attitude.

**Keywords.** Deixis, explicit and implicit modes of expression, means of expression, demonstrative pronouns related to space and time, complex words formed with their participation, adverbs, imperative forms of the verb, some units expressing a subjective attitude.

Маълумки, нутқда бевосита дейктик хусусиятли бирликлар орқали бирор бир объектга ишора қилинганда дейкиснинг эксплицит ифодаланиши ҳақида гапириш мумкин бўлади. Аммо дейктик бирлик шаклан ифодаланмаса-да, нутқ (матн)да муайян объектга ишора қилиниши ҳолатлари ҳам кузатилади. Бундай вазиятда дейкиснинг имплицит ифодаланиш усули юзага чиқади. Шунга кўра тилшуносликда дейкиснинг эксплицит ва имплицит ифодаланиш усуллари фарқланади.<sup>1</sup>

Ўзбек тилида олмошлар, равишлар, эгалик ва шахс-сон кўшимчалари фаол дейктик бирликлар сифатида дейкиснинг эксплицит тарзда ифодаланишини юзага келтиради. Бундай бирликлар қўлланмаса-да, матн мазмунидан маълум бир объектга ишора англашилиб турса, дейкиснинг имплицит, яъни яширин ифодаланиши кузатилади. Қиёсланг: *Мен дунёдаги барча болалар бахтиёр бўлишини истайман // Дунёдаги барча болалар бахтиёр бўлишини истайман // Қанийди, дунёдаги барча болалар бахтиёр бўлса.*

Келтирилган биринчи мисолда *мен* олмоши ҳамда феълнинг шахс-сон кўрсаткичи эксплицит тарзда шахс дейкисини ҳосил қилган. Кейинги гапда олмош тушириб қолдирилган бўлса-да, *-ман* шахс-сон кўрсаткичи орқали уни бемалол тиклаш мумкин бўлади. Бироқ феълнинг шахс-сон кўрсаткичи ҳам сўзловчи шахсга ишора қилиши сабабли олмошнинг тикланишига эҳтиёж мавжуд эмас. Учинчи гапда ҳам сўзловчи шахсга ишора англашилиб туради. Бироқ унга ишора қилувчи махсус бирлик қўлланмаган. Мазкур истак гапнинг сўзловчига тегишли эканлигини англаш қийин эмас. Бу гап ҳам биринчи ва иккинчи гаплар билан семантик жиҳатдан тенг қийматга эга. Мазкур ҳолатда *қанийди* модал сўзи ва феълнинг буйруқ-истак майли шакли орқали нутқ эгасининг эмоционал ҳолатига ҳам ишора қилинади. Субъектив модаллик ортида сўзловчи шахснинг туриши мулоқот иштирокчиларига умумий билимлари орқали маълум бўлгани сабабли яширин ифодаланган шахс дейкисини англаш уларга қийинчилик туғдирмайди.

Кўринадики, нутқ эгаси ўз шахсини алоҳида таъкидлашни истаганда дейктик бирликдан фойдаланган, эмоционал ҳолатини кўрсатишни мақсад қилганда ишоранинг яширин усулини қўллаган.

А.Шерматов ҳам матнда адресатни муаллиф мақсадини тушунишга йўналтиришда нутқ эгасини имплицит кўрсатиш имконияти мавжудлигини таъкидлайди. Олим инглиз илмий-техник матнида дейктик бирликларнинг қўлланишини тадқиқ этар экан, илмий услубда баённи объектив ифодалашга

<sup>1</sup> Ерзинкян Е. Л. Дейктическая семантика слова. – Ереван: Изд-во Ерев. ун-та, 1988. – С. 40; Сребрянская Н.А. Дейкис и его проекции в художественном тексте. – Воронеж, 2005. – С.10.

интилиш матнда нутқ субъекти вазифасини бажарадиган лисоний бирликларнинг ошкора қўлланиш миқдорининг камайишига ва натижада мулоқот субъектининг шахсини имплицит кўрсатиш зарурати юзага чиқишини кўрсатади. Тадқиқотда *this/thes*, *that/those* кўрсатиш олмошлари, *here/there* «локаллик» ва *now/then* «темпораллик» маъноларидаги олмош-равишлар, миқдор-баҳо дейксиси ва адабиётлар рўйхатига бериладиган рақамли ҳаволалар илмий-техник матнларда дейксиснинг имплицит ифода бирликлари бўлиб хизмат қилишини аниқлайди.<sup>1</sup>

Дейксиснинг яширин ифодаланиши Т.И.Мисайлова томонидан ҳам алоҳида қайд этилган. У «бир неча вазиятнинг битта объектга боғлиқлиги кейинги ўринларда «у»нинг имплицит ифодаланишига ва тўлиқсиз гаплар ҳосил бўлишига имкон яратади» деб ҳисоблайди. Олиманинг фикрича, сўзловчи бу ўринда ҳаракат субъекти фаоллигини камайтириб, ноль даражага олиб келади ва натижада бундай нутқий вазиятда *нол шаклли дейксис* (нулевой дейксис) амал қилади.<sup>2</sup>

А.С.Калашова ҳам имплицит дейксисда сўзловчига ишора қилувчи шахс олмошлари тушириб қолдирилишини, уларни тиклаш вазифаси феълнинг шахс кўрсаткичларига юкланишини қайд этади ҳамда қуйидаги мисолни келтиради: «*Великая страна, лидер свободного и архидемократического мира*» не хочет разрешить своим студентам посетить Кубу. **(Они) не хотят разрешить, чтобы североамериканские граждане приехали и самостоятельно увидели то, что происходит на Кубе, (они) запрещают посещение нашей страны**». Олиманинг фикрича, *не хотят* ва *запрещают* предикатларидаги қўшимчалар имплицит субъектни (*они/улар*) тиклайди.<sup>3</sup>

А.С.Калашованинг феълга хос шахс кўрсаткичларининг субъектга ишора қилаётганлиги тўғрисидаги фикри асосли. Бироқ шахсга ишора қилувчи бирлик, яъни феълнинг шахс кўрсаткичи мавжуд экан, буни имплицит дейксис деб номлаш ноўрин. Бундай гапларда олмошларнинг қўлланилишига зарурат сезилмайди. Феълнинг шахс кўрсаткичлари ҳам нутқ иштирокчиларига ишора қилувчи дейктик бирликдир, шунга кўра мазкур ўринда дейксиснинг имплицит ифодаси тўғрисида сўз юритиб бўлмайди.

<sup>1</sup> Шерматов А. Инглиз илмий-техник матнида дейксиснинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 129.

<sup>2</sup> Мисайлова Т.И. Дейксис как актуализация компонентов речевой ситуации и денотативного содержания в повествовательном и описательном художественных текстах: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Улан-Уде, 2005. – Б.13.

<sup>3</sup> Калашова А.С. Лингвопрагматические особенности референции через дейксис в политическом дискурсе (на примере публичных выступлений Ф. Кастро). // [http://www.rusnauka.com/8\\_NMIW\\_2012/Philologia/7\\_104089.doc.htm](http://www.rusnauka.com/8_NMIW_2012/Philologia/7_104089.doc.htm)

Б.А.Успенский кишилик олмошлари орқали дейксиснинг яширин ифодаланиши бўйича қизиқарли маълумот беради. Унинг фикрича, *мен* олмошининг мавжудлиги *сен*нинг мавжудлигига, яъни тингловчининг имплицит ифодасига, *сен* олмошининг мавжудлиги у олмошининг имплицит ифодасига йўл очади ва *мен* олмоши нутқда *сен* олмоши билан бевосита, у олмоши билан билвосита боғлиқ бўлади.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, сўзловчининг ўзини «*Мен*» дейиши унинг, одатда, «*Сен*»га қарама-қарши турганлигини кўрсатади, бу олмошлар бир-бирини ассоциатив тарзда эслатиб турувчи бирликлардир. Нутқда сўзловчи ўзини бошқа нутқ иштирокчиларидан ажратиб, алоҳида кўрсатиш, таъкидлаш коммуникатив мақсади асосида *мен* олмошини қўллайди.

Маълумки, ҳар қандай матн ўз муаллифига эга. Бироқ ҳамма матнда ҳам муаллиф ўзини ошкор этмайди. Матн муаллифи ошкор этилмаган, яъни яширинган нутқий вазиятда имплицит дейксис юзага келади. Демак, имплицит дейксис, асосан, нутқ иштирокчиларининг, кўп ҳолларда сўзловчининг матн синтактик структурасида ўз моддий ифодачисига эга бўлмаслиги, бироқ матн ортида яширин тарзда, билвосита юзага чиқишида кузатилади.

Нутқда имплицит дейксиснинг ифодаланишига шароит яратувчи воситалар мавжуд, бироқ уларнинг ишоравийлик вазифасини «ишора ортидаги ишора» сифатида тавсифлаш мумкин. Қуйидаги мисолни таҳлил қиламиз:

*Шабдада ўтовнинг керагаларини аста гирчиллатади, саратон яйловининг бошни айлантирадиган экинини олиб келади. ... Бугун Онабиби шу ерда. Ана у ўтов соясида ивирсиб юрибди.* (А.Мухтор. «Чинор»).

Келтирилган матнда сўзловчига ишора қилувчи тил бирликлари учрамайди. Бироқ китобхон матн ортида муаллифни ҳис қилади. Бунга матндаги *шу ерда, ана у* каби тил бирликлари йўл очади. Мазкур бирликлар сўзловчига ишора қилувчи тил бирликлари эмас, бироқ ёзувчи бу ўринда воқеликни муаллиф-кузатувчи сифатида баён қилган. Демак, воқелик муаллиф-кузатувчининг кўриш майдонида юз бермоқда. Матнда қўлланган *шу ерда* бирикмаси ўтовга ишора қилиб, макон дейксисини; *ана у* олмоши *Онабибига* ишора орқали шахс дейксисини ҳосил қилган. Нутқий вазият элементлари саналган ушбу объектларга ишора муаллиф-кузатувчига нисбатан белгиланган: *шу ерда* бирикмаси муаллиф-кузатувчи турган маконга, *ана у* олмоши объектнинг муаллиф-кузатувчига нисбатан узоқроқда эканлигига ишора қилади. Мазкур ҳолда бу дейктик бирликларнинг объектнинг сўзловчига яқин-узоқдаги маконга

<sup>1</sup> Успенский Б.А. Язык и коммуникационное пространство. – М.: Российский гос. гуманитар. ун-т, 2011. – С. 27.

ишораси бирламчи ҳисобланади. Маконга хос яқин-узқликнинг сўзловчига нисбатан белгиланиши эса матн ортида турган муаллиф-кузатувчи шахсига ишорани англади.

Р.Д.Урунова матннинг макон нуқталарини белгилашда маълум қонуниятлар мавжудлигини таъкидлар экан, бунда матн муаллифи сўзловчи ва шарҳловчи (интерпретатор) вазиятида бўлиши, муаллиф – сўзловчининг вазияти бирламчи аниқ дейктик бирликлар билан, муаллиф – шарҳловчи (интерпретатор) вазияти эса иккиламчи имплицит тушунчавий белгилар (понятыйные знаки) билан фаоллашишини баён қилади.<sup>1</sup>

Матн муаллифи тил бирликлари орқали нарса-предметларнинг жойлашувини ўзи яратган матн маконида белгилайди. Муаллиф бу маконни ўз тасавури орқали қайта яратиши, унга таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда муаллиф матндаги воқеликларни шарҳловчи, изоҳловчи вазифасини бажара бошлайди. Муаллиф-шарҳловчи муайян воқелик ҳақида ҳикоя қилиб бериш давомида ўзини кўрсатмайди, бироқ китобхон матн ортида унинг борлигини ҳис этади. Бу, одатда, муаллифнинг воқеликка субъектив муносабатини ифодалаганда, воқелик кечаётган замон ва маконни ўз кўриш майдонида тасвирлаганда юзага чиқади. Гарчи бундай ўринларда сўзловчига ишора қилувчи тил бирлиги шаклан мавжуд бўлмаса-да, унинг мавжудлиги китобхоннинг контекст, нутқ вазияти, объектив борлиқ тўғрисидаги умумий билими, шунингдек, К.Бюлер таъбири билан айтганда, тушунчавий белгилар («понятыйные знаки»)<sup>2</sup> орқали англашилиб туради.

Ўзбек тилида ишора объекти макон, замон бўлган айрим кўрсатиш олмошларининг мўлжали сўзловчига нисбатан белгиланади. Айни нутқий вазиятда уларнинг бошланғич нуқтаси сўзловчи экан, бу бирликлар сўзловчи шахсга ҳам ишора қилади. Бироқ бу ишора яширин тарзда акс этади. Масалан: *Мана шу ариқ ҳозир каналчилар хизматида.* (С.Аҳмад. «Уфқ»); *Мана, тагин баҳор келди.* (С.Аҳмад. «Уфқ» )

Келтирилган биринчи мисолда предмет тасавуридаги маконга ишорани шакллантирган *мана шу*, кейинги гапда замонни кўрсатган *мана* олмоши сўзловчининг кўриш майдонидаги маконга ва сўзловчи нутқи кечаётган замонга ишорани ҳосил қилиш билан бирга сўзловчининг ўзига ҳам яширин тарзда ишора қилади.

<sup>1</sup> Урунова Р.Д. Эксплицитные и имплицитные средства пространственного дейксиса в авторизации художественных текстов М.Шолохова. // Вестник Удмуртского университета, 2017. Т. 27, вып. 3. – С. 441.

<sup>2</sup> Бюлер К. Теория языка. – М., 1993. – С. 99.

Кўринадик, матнда кўлланган кўрсатиш олмошларининг муайян объектга ишораси сўзловчига нисбатан белгиланиши сабабли сўзловчининг ўзига ҳам яширин ишора кузатилади. Буни машҳур тилшунос Ч.Филлмор «ўрин-жой маъносини берувчи ишора сўзлар фактнинг аниқлиги бўйича тилнинг дейктик тизимида иштирок этади. Бунда нутқ иштирокчилари худди макондаги ҳавола нуқтасидек хизмат қила олади»<sup>1</sup> деб изоҳлайди.

Ўзбек тилида феълнинг буйруқ-истак майли кўрсаткичлари шахс дейксисини эксплицит ва имплицит ифодаловчи дейктик бирликлар ҳисобланади. Бунда феълнинг ушбу кўрсаткичлари мулоқот иштирокчиларидан бирига бевосита ишора қилиб, эксплицит тарзда шахс дейксисини юзага чиқарса, сўзловчининг истаги, ундаши каби грамматик маънолар орқали нутқ эгасига ишора қилиб, имплицит характердаги шахс дейксисини ҳосил қилади. Масалан, *Саломат бўлинг, устод!* (Мирмуҳсин. «Меъмор») мисолида феълнинг буйруқ-истак майли шакли тингловчига ишора қилади (*Сиз саломат бўлинг!*). Шу билан бирга, ушбу грамматик шакл гапда ифодаланган истакнинг сўзловчига тегишлилигини англантиб, яширин дейксисни (*Мен сизнинг саломат бўлишингизни истайман*) ҳосил қилади.

Сўзловчи нутқ эгаси сифатида муайян коммуникатив мақсадини ифодалаш орқали шу мақсад эгасига, яъни ўзига ишора қилади. Масалан:

а) сўроқ акти орқали ниманидир билмоқчи бўлаётган сўзловчига ишора қилинади: *Халқнинг кайфияти қандай?* (С.Аҳмад. «Уфқ») (Мен халқнинг кайфиятини билишни истайман);

б) истак актида истак эгасига ишора қилинади: *Қанийди дунё болаларининг барчаси бахтиёр бўлса.* (Мен дунё болаларининг барчаси бахтиёр бўлишини истайман);

в) буйруқ актида буйруқни ифода этаётган нутқ эгасига ишора қилинади: *Зудлик билан алоқага чиқинг!* (Мен зудлик билан алоқага чиқишингизни буюраман) кабилар.

Шунингдек, гапда субъектив муносабат ифодаланган ўринларда шу муносабатни баён этувчи шахсга ишора қилинади. Ўзбек тилида сўзловчининг баён этилаётган фикрга муносабати, асосан, кириш қурилмалар ва айрим шахсий муносабат ифодаловчи сўзлар орқали ифодаланади. Мазкур бирликлар унинг эгасига ишора қилиб, шахс дейксисини яширин тарзда ифодалашга хизмат қилади. Масалан: *Суратда оққушлар ҳам бор эди, шекилли.* (Н.Норматов. «Кўзгудаги икковлон»); *Исмат аканинг шу иши тўғри.* (Н.Норматов. «Кўзгудаги икковлон»)

<sup>1</sup> Fillmore Ch. Lectures on deixis. – Stanford: CSLI Publications, 1997. – P. 64.

Келтирилган биринчи мисолда қўлланган *шекилли* модал сўзи сўзловчининг тахмини, гумони каби субъектив муносабатини; кейинги мисолда *тўғри* сўзи сўзловчининг билдирилган фикрни маъқуллашини ифодалаш билан бирга бу муносабатни баён этаётган сўзловчига яширин ишорани ҳосил қилган.

Нутқимизда кенг қўлланувчи *ўйлашимча, менимча, назаримда, назарида, бизнингча* каби кириш сўзлар ҳам муносабат ифодалаш билан бирга, унинг эгасига ишора қилади. Бироқ бундай кириш сўзларда дейкиснинг эксплицит ифодаси намоён бўлади. Чунки мазкур кириш сўзлар таркибида шахсга ишора қилувчи дейктик бирликлар мавжуд. Масалан: *Билишимча, ишларинг дуруст эмасга ўхшайди.* (С.Аҳмад. «Уфк»)

Сўзловчи воқеликка баҳо бериш орқали ўзига яширин тарзда ишора қилиши мумкин. Масалан: *Феруза яхши қиз, Акрам буни билмаяпти* (яъни *Мен учун Феруза яхши қиз*).

Кўринадики, ўзбек тилида дейкис эксплицит ва имплицит усулларда ифодаланади. Дейкиснинг эксплицит ифодаланишида дейктик бирликлар бевосита қатнашса, имплицит ифодаланишида бундай бирликлар қўлланмайди ёки қўлланса ҳам, дейкиснинг бошқа турларига яширин тарзда ишорани акс эттиради. Имплицит дейкисни шакллантирувчи бундай тил бирликларига макон ва замонга ишора қилувчи кўрсатиш олмошлари, улар иштирокида тузилган бирикмалар, равишлар, феълнинг буйруқ-истак майли шакллари, субъектив муносабат ифодаловчи айрим бирликлар мансуб. Бу бирликлар орқали имплицит ифодаланган ишора объекти контекст асосида аниқланади.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Davlatova R.H. Microcosm Of Lexical Units Refer-ring To Time In The Uzbek Lan-guage. Thematics Journal of Geography, 2020. № 8/12. 1341-1348 p. <https://journals.eduindex.org/index.php/tjg>
2. Fillmore Ch. Lectures on deixis. – Stanford: CSLI Publications,1997. – P. 64.
3. Бюлер К. Теория языка. – М., 1993. – С. 99.
4. Ерзинкян Е. Л. Дейктическая семантика слова. – Ереван: Изд-во Ерев. ун-та, 1988. – С. 40; Сребрянская Н.А. Дейксис и его проекции в художественном тексте. – Воронеж, 2005. – С.10.
5. Калашова А.С. Лингвопрагматические особенности референции через дейксис в политическом дискурсе (на примере публичных выступлений Ф. Кастро). // [http://www.rusnauka.com/8\\_NMIW\\_2012/Philologia/7\\_104089.doc.htm](http://www.rusnauka.com/8_NMIW_2012/Philologia/7_104089.doc.htm)
6. Мисайлова Т.И. Дейксис как актуализация компонентов речевой ситуации и денотативного содержания в повествовательном и описательном художественных текстах: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Улан-Уде, 2005. – Б.13.
7. Урунова Р.Д. Эксплицитные и имплицитные средства пространственного дейксиса в авторизации художественных текстов М.Шолохова. // Вестник Удмуртского университета, 2017. Т. 27, вып. 3. – С. 441.
8. Успенский Б.А. Язык и коммуникационное пространство. – М.: Российский гос. гуманитар. ун-т, 2011. – С. 27.
9. Шерматов А. Инглиз илмий-техник матнида дейксиснинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 129.